



20 20 yil " 6 " 2016 № 1076

Каримдевона МФЙга карашли Наврўз кўчасида яшовчи Ro'zmatov Alisher Qayumovichga мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6, 17, 23 ва 55-моддаларига асосланиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Каримдевона МФЙга карашли Наврўз кўчасида яшовчи Ro'zmatov Alisher Qayumovichga деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 11.05.2019 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Каримдевона МФЙга карашли Наврўз кўчасида яшовчи Ro'zmatov Alisher Qayumovichga туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган "Ғаниобод" номли ММТП худудидаги №353к-контурдаги 0.29 (йигирма тўққиз сотих)га ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг давлат хизматлари кўрсатиш маркази раҳбари рўйхатидан ўтказиш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқоро Ro'zmatov Alisher Qayumovichga юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Қурбоновга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқоровга топширилсин.

5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ҳоким уринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ.Джўраев